

“APEX INSURANCE” Акциядорлик жамияти  
Акциядорларининг  
2023 йил 09 январдаги навбатдан ташқари  
умумий йиғилиши қарори билан  
“ТАСДИҚЛАНГАН”

Йиғилиш раиси

 Саидов Т.М.

М.Ў.

“APEX INSURANCE” АЖ  
ИЖРОИЯ ОРГАНИ ТЎҒРИСИДАГИ  
Н И З О М  
(янги таҳрир)

Тошкент – 2023 йил.



# “APEX INSURANCE” АЖ ижроия органи тўғрисида”ги НИЗОМ

## МУНДАРИЖА

- I. Умумий қоидалар
- II. Ижроия органни сайлаш (тайинлаш) ва унинг ваколатларини бекор қилиш тартиби
- III. Жамият бошқаруви раиси ва аъзоларининг ваколатлари
- IV. Жамият бошқарувининг мажлислари
- V. Ижроия органининг жавобгарлиги

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур “APEX INSURANCE” АЖ ижроия органи тўғрисида”ги Низом (кейинги ўринларда – Низом) “APEX INSURANCE” Акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Жамият) ижроия органи фаолият тартибини, ваколоти, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

2. Жамият жорий фаолиятига раҳбарлик коллегиял ижроия органи (кейинги ўринларда - бошқарув) томонидан амалга оширилади, унинг ваколатлари Жамият Устави ва мазкур Низом билан белгиланади.

### II. ИЖРОИЯ ОРГАНИНИ САЙЛАШ (ТАЙИНЛАШ) ВА УНИНГ ВАКОЛАТЛАРИНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3. Жамият кундалик фаолиятига раҳбарлик Жамият Устави билан белгиланган тартибда Бошқарув раиси раҳбарлигидаги 7 нафар аъзодан иборат бошқарув томонидан амалга оширилади.

4. Жамиятнинг бошқарувини тузиш ва бошқарув раисини сайлаш (тайинлаш) Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

5. Бошқарув аъзолари Кузатув кенгаши томонидан танлов асосида чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади. Бошқарув раиси ва аъзолари билан меҳнат шартномасини Жамият номидан Кузатув кенгаши имзолайди.

6. Жамият Бошқарувга номзодлар Жамиятга унинг жинойий жавобгарликка тортилганлиги ҳолати тўғрисида маълум қилиши шарт.

7. Бошқарув таркибига у ёхуд бу номзод кўрсатилишида Кузатув кенгаши раиси шартнома тузиш шартлари, бошқарувчилик фаолияти учун иш ҳақи, пул мукофотлари ва компенсация миқдорлари ҳамда номзоднинг шахсан имзоси билан тасдиқланган шартнома тузишга номзод розилиги тўғрисида хабардор қилади.

8. Бошқарувга таркибига номзодлар Кузатув кенгашининг йиғилишида ўз номзоди кўриб чиқилишида иштирок қилиши мумкин.

9. Бошқарув таркибига номзодлар сайлангандан (тайинлангандан) сўнг Кузатув кенгаши улар билан уч йил муддатга ўз вазифаларини бажариш тўғрисида шартнома тузади, ҳар йили шартнома муддатини узайтириш ёки бекор қилиш имконияти тўғрисида қарор қабул қилинади. Жамият номидан шартнома Кузатув кенгашининг раиси томонидан имзоланади. Бошқарув аъзолари билан тузиладиган шартномада унинг Жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши олдида Жамиятнинг йиллик бизнес-режаси бажарилиши жараёни тўғрисидаги ҳисоботлари даврийлиги назарда тутилиши керак.

10. Бошқарув раиси ва аъзоларининг иш ҳақи ва пул мукофотлари миқдорлари Жамият фаолияти самарадорлигига бевосита боғлиқ бўлади ва шартнома билан белгиланади.

11. Бошқарув раиси ва аъзоларининг вазифаларини бошқа ташкилотлар бошқарув органларидаги фаолият билан бирга бажариш фақат Кузатув кенгаши розилиги билан амалга оширилиши мумкин.

12. Бошқарув раиси ва аъзолари билан тузилган шартнома Уставда белгиланган ҳолатларда муддатидан илгари бекор қилиниши мумкин. Бошқарув раиси ва аъзолари билан шартнома тўхтатилиши (бекор қилиниши) тўғрисида қарор ваколатли органнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

13. Бошқарув раиси ваколатларини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилган Кузатув кенгаши Жамият Бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

### III. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИ РАИСИ ВА АЪЗОЛАРИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

14. Бошқарув ваколатларига Жамият кундалик фаолиятига раҳбарликнинг барча масалалари тегишлидир, Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгаши ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

15. Бошқарув раиси ва аъзоларининг ҳуқуқлари ва вазифалари қонун ҳужжатларига, Жамият Уставига, ушбу Низом, Жамият билан тузиладиган шартномасига мувофиқ белгиланади. Бошқарув аъзоларининг ваколат доираси ушбу Низомнинг иловасига мувофиқ белгиланади.

16. Жамиятнинг бошқарув раиси жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилади.

17. Бошқарув раиси ваколатларига (ҳуқуқларига) қуйидагилар қиради:

ўз ваколатлари доирасида Жамият фаолиятига раҳбарлик қилиш;

ўз ваколатлари доирасида Жамият' мулки ва пул маблағларидан фойдаланиш;



Кузатув кенгаши розилиги билан унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок қилиш;  
Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш, давлат муассасаларида, мулкка эгалик шаклидан қатъи назар барча ташкилот ва корхоналарда Жамиятнинг манфаатларини ҳимоя қилиш;  
Жамиятнинг банк ва бошқа молия ҳужжатларига биринчи имзо қўйиш ҳуқуқи билан банкларда ҳисоб-китоб, валюта ва бошқа ҳиобварақларини очиш;  
ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг мижозлари ва бошқа ташкилотлар ва корхоналар билан битимлар тузиш, шартномалар ва контрактларни имзолаш;  
ходимларни ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш. Уларга нисбатан маъмурий жазолар қўллаш, меҳнат ва ижрочилик интизомига риоя қилиниши таъминлаш;  
қонун ҳужжатларига мувофиқ Жамият номидан ишончномалар бериш;  
Жамиятнинг барча ходимлари томонидан ижро учун мажбурий буйруқлар, фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;  
ходимларнинг штат жадвалини белгилаш ва тасдиқлаш;  
Жамиятнинг бошқарув мажлисларини ташкил этиш ва ўтказиш, шунингдек, жамият номидан барча ҳужжатларни ҳамда жамият бошқаруви мажлиси баённомаларини имзолаш;  
Жамиятнинг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомлар ва Жамиятнинг ходимлари лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;  
Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш, тасдиқланиши Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгаши ваколатларига киритилган ички меъёрий ҳужжатлар бундан мустасно;  
Жамиятнинг барча шўъба корхоналари, филиаллари ва ваколатхоналари раҳбарлари томонидан ижро учун мажбурий қарорлар, буйруқлар, фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;  
Жамиятнинг филиаллари ва шўъба корхоналари раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан бўшатиш;  
шўъба корхоналари асосий фаолият йўналишларини белгилаш ва уларнинг бизнес-режаларини ва улар бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлаш;  
Жамиятнинг алоҳида бўлинмалари ва шўъба корхоналари штат жадвалини тасдиқлаш;  
Жамиятнинг таркибий бўлинмалари ўртасида самарали ўзаро муносабатларни таъминлаш;  
Жамиятни ривожланиш дастурлари ва бизнес-режаларини ишлаб чиқиш, улар ижросини ташкиллаштириш ва назорат қилиш;  
Жамиятнинг ваколатли бошқарув органи томонидан тасдиқланган Жамиятнинг бизнес-режасида кўрсатилган фойдалар олиншини таъминлаш;  
Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкиллаштирилиши, тегишли ҳолати ва шубҳасиз тўғрилигини таъминлаш, йиллик ҳисобот ва бошқа молия ҳисоботларини, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ акциядорлар, кредиторлар ва бошқа маълумот олувчиларга юбориладиган Жамиятнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларни тааллуқли органларга ўз вақтида тақдим қилиш;  
Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси (Тафтишчи) ёки Жамият аудитори талабига кўра, Жамиятнинг молия-ҳўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тақдим қилиш;  
тааллуқли давлат органларига статистик ва бухгалтерия ҳисоботлари тўлиқ ва ўз вақтида тақдим қилиниши таъминлаш;  
Жамиятнинг ходимлари томонидан хизмат ва тижорат сирини сақланиши бўйича чоралар кўриш;  
Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаш. Ходимлар билимлари, малакалари, тажриба ва қобилиятларидан самарали фойдаланиш чораларини кўриш, ходимлар учун ижтимоий кафолатлар ва хавфсиз меҳнат шароитларига риоя қилинишини таъминлаш;  
Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашига ўз ваколатларига тегишли ишлар ҳолати тўғрисидаги маълумотларни ўз вақтида тақдим қилиш;  
акциядорларнинг Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашида иштирок қилиш, уларга дивидендлар ҳисоблаб ёзиш ва тўлаш бўйича барча ҳуқуқларига риоя қилиш;  
ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор фаолиятини таъминлаш;  
Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

18. Жамиятнинг бошқаруви Жамиятнинг хизмат ва тижорат сирини ўз ичига олган маълумотлар сақланишини таъминлайди. -Хизмат ва тижорат сирларига тегишли маълумотлар рўйхати жамият бошқаруви томонидан белгиланади;

19. Бошқарув раиси ва аъзолари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, Жамият Устави ва ички ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар (ҳуқуқлар) ва вазифаларга ҳам эга бўлиши мумкин.

#### IV. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИНИНГ МАЖЛИСЛАРИ

20. Жамият бошқарувининг мажлислари бошқарув раиси томонидан у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда, бошқарув аъзоларидан бири томонидан олиб борилади.
21. Бошқарув раиси Жамият бошқарувининг мажлисларини ўтказишни ташкил этади.
22. Бошқарув мажлисларининг кун тартиби бошқарув раиси томонидан тасдиқлананди. Бошқарув мажлиси кун тартибига масалалар бошқарув раисининг топшириқлари, бошқарув аъзоларининг, тафтиш комиссиясининг (мажҳуд бўлганда), Жамият ташқи аудитори ёки ички аудит хизмати раҳбарининг таклифлари асосида киритилади.
23. Бошқарув мажлислари бошқарув аъзоларининг шахсий иштирокида ёки сирдан овоз бериш (сўров ўтказиш) йўли билан ўтказилади.



24. Жамиятнинг бошқаруви мажлисларини ўтказиш учун кворум бошқарувга сайланган аъзоларининг 70 (етмиш) фоизидан кам бўлмаслиги лозим.

25. Жамиятнинг бошқаруви мажлисларида қарорлар оддий көпчилик овоз билан қабул қилинади. Бошқарувнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. Бошқарувнинг бир аъзоси ўз овозини Бошқарувнинг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

26. Бошқарув мажлислари кун тартибидаги масалар бўйича овоз бериш очиқ йўл билан амалга оширилади. Бошқарув раиси қарорига кўра овоз бериш ёпиқ йўл билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

27. Бошқарув мажлислари кун тартибидаги масала/масалар бўйича берилган овозлар сони тенг бўлган тақдирда, бошқарув раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

28. Бошқарув аъзоси бошқарув мажлисида қабул қилинган қарор/қарорлардан норози бўлган тақдирда, бу ҳақда Кузатов кенгашига маълум қилишга ҳақли.

29. Бошқарув мажлиси сиртдан овоз бериш йўли билан ўтказилганда, қарорлар бир овоздан қабул қилинади. Бунда, кун тартибидаги масала бўйича баённома (қарор) лойиҳаси тайёрланади ва тегишли маълумотлар, материаллар ва ёзма тушутиришлар илова қилинган ҳолда бошқарув аъзоларига кўриб чиқиш ва имзолаш учун тақдим этилади.

30. Жамиятнинг бошқаруви мажлисларида баённома юритилади.

31. Жамият бошқаруви мажлисларининг баённомасида куйдагилар кўрсатилади:

- мажлис ўтказиш санаси, вақти ва жойи;
- мажлисда иштирок этган шахслар ва мажлис кворуми;
- мажлис кун тартиби;
- овозга қўйилган масалар, уларнинг муҳокамаси ва улар бўйича овоз бериш натижалари;
- қабул қилинган қарорлар.

32. Бошқарув мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилган санадан 5 (беш) иш кунидан кечиктирмай тузилади.

33. Бошқарув мажлисининг баённомасида, унда белгиланган топшириқ ва кўрсатмалар Жамиятнинг барча ҳодимлари учун мажбурий ҳисобланади. Мажлис баённомасининг нусхалари бошқарув аъзолари тақдим этилади. Бевосита ижрочилар ва бошқа масъул шахсларга мажлис баённомасидан кўчирма юборилади.

34. Бошқарув мажлисининг баённомасидан кўчирмалар куйдагиларга берилади:

- Кузатов кенгаши ва Тафтиш комиссиясига (мавжуд бўлганда), уларнинг талабига биноан;
- Жамиятнинг бошқа мансабдор шахслари ва аудитор сўровига биноан, шунингдек амалдаги қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда бошқа шахс ва органларга бошқарув раисининг руҳсати билан.

## V. ИЖРОИЯ ОРГАНИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

35. Жамият бошқаруви аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

36. Бошқарув аъзолари ўз лавозимларида ишлаш даврида фаолияти Жамият маҳсулотларини сотишда ёки хизматлар кўрсатишда Жамиятга қийинчиликлар туғдирадиган корхоналарни таъсис этиш ёки улар таъсис этилишида иштирок қилишга ҳақли эмас. Бошқарув аъзолари Жамиятда лавозимга тайинланганида бундай корхоналарда ўз иштирокини тўхтатиши ва ушбу иштирокни тўхтатиш тўғрисида Жамиятнинг Кузатов кенгашини хабардор қилиши шарт.

37. Жамиятнинг бошқарув аъзоси куйдагилар натижасида Жамиятга етказилган зарар учун жавобгар бўлади:

чалғитувчи ахборот ёки била туриб ёлғон ахборот тақдим этганлик;

Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқлари тўғрисида"ги Қонунида белгиланган ахборот тақдим этиш тартибини бузганлик;

Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган йирик битимларни ва (ёки) амалга оширилишидан манфаатдорлик мавжуд бўлган битимларни тузишни таклиф этганлик, шу жумладан Жамият билан бундай битимлар тузилиши натижасида ўзлари ёки ўз аффилланган шахслари томонидан фойда (даромад) олиш мақсадида битимлар тузишни таклиф этганлик.

38. Агар Жамиятнинг ижроия органи томонидан йирик битим ёки аффилланган шахслар билан битим тузиш тартиби бузилганлиги натижасида Жамиятга зарар етказилган бўлса ва бунда Жамият бошқарув аъзоларининг айби қонунчиликда белгиланган тартибда исботланса, Жамиятнинг кредиторлар олдидagi қарздорлигини қоплаш учун унинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда, айбдор шахс жамиятнинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгар бўлади.

39. Жамиятнинг жойлаштирилган акцияларнинг энг камида бир фоизига эга бўлган акциядор (акциядорлар) Жамиятга етказилган зарарлар ўрнини тўлдириш тўғрисида Бошқарув аъзолари устидан даъво аризаси билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

40. Ушбу Низомда акс эттирилмаган масалалар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, Жамият Устави ҳамда акциядорлар умумий йиғилишининг қарорлари билан тартибга солинади.